



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2734-1
2021 - vil 16 - ivul

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУГИ

“Олий таълим муассасалари магистратура мутахассисликлари талабалари томонидан стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруқка ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 июлдаги 460-сон “Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2015 йил 30 октябрдаги 9-2015-сон “Олий таълим муассасалари магистратура мутахассисликлари талабалари томонидан стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруфига (рўйхат рақами 2734, 2015 йил 26 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 47-сон, 604-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир



Тошкент ш.
2021 йил 08 июль,
22-2021 сон

Тошкулов А. X.

Ўзбекистон Республикаси олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирининг
2021 йил “08” июлдаги 22-2021-сонли
буйруғига илова

**“Олий таълим муассасалари магистратура мутахассисликлари талабалари томонидан
стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруққа
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқнинг муқаддимасидаги “Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги,
“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари” деган сўзлар “Ўзбекистон
Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддимадаги “Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш
миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикасининг “Таълим
тўғрисида”ги Қонуни” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказига” деган
сўзлар “Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабига” деган сўзлар билан алмаштирилсин.